ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА ТУРЛИ УСУЛЛАРДА ПАРВАРИШЛАНГАН АНГУС ЗОТЛИ БУҚАЛАРНИНГ ГЎШТ МАҲСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Досмухамедова Мухайё Хуснитдиновна, қ.х.ф.д.,
Тошкент давлат аграр университети профессор
телефон: +998946048320, +998998536435
mail: dmuhayyoxon@mail.ru

Ешмуратова Гоззал Юсуповна
СамДВМЧБУ НФ мустақил изланувчи
телефон:+998977878955
e-mail: Gozzal422019@gmail.com

Аннотация. *Мақолада, гўштдор зотлар ичида юқори генетик имкониятларга эга ангус зотига мансуб буқаларнинг Қорақалпоғистон Республикаси шароитида турли сақлаш усулларида парваришлаш натижасида гўшт маҳсулдорлигининг шаклланиши ва жадал ўстириш ҳамда жадал бўрдоқилаш натижалари баён этилган. Бунда, биноларда ва очиқ майдончали биноларда сақланган буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлик кўрсаткичларининг ўзгариши қиёсан тадқиқ этилган ва таҳлил қилинган.Тадқиқот натижаларига кўра очиқ майдончали биноларда, боғламасдан, гуруҳлаб сақланган буқалар гўшт маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича ёпиқ биноларда, боғлаб боқилган буқаларга нисбатан устунлиги тасдиқланган.*

Калит сўзлар: *гўштдор қорамолчилик, зот, ангус, ўсиш ва ривожланиш, ёш даврлари, жадал ўстириш, жадал бўрдоқилаш, гўшт маҳсулдорлиги, сўйим чиқим, сўйим вазни, лаҳм, ёғ, суяк, иккиламчи сўйим маҳсулотлари*

Аннотация. *В статье представлены результаты исследования мясной продуктивности, а также результаты интенсивного вырашивания и интенсивного откорма быков породы ангус, обладающих высоким генетическим потенциалом среди мясных пород, при содержании их в различных способов в условиях Республики Каракалпакстан.*

В том числе проведено сравнительное изучение и анализ формирования мясной продуктивность бычков содержащихся в зданиях, индивидуально в привязи с бычками содержашихся группами и в зданиях с выгульными площадками, подтверждено преимущество последнегно способа с точки зрении эффективности.

Ключевые слова: *мясное скотоводство, порода, ангус, рост и развитие, возрастные периоды, интенсивное выращивание, интенсивный откорм, мясная продуктивность, убойный выход, убойная масса, мякоть, жир, кость, субпродукты.*

Abstract. *The article presents the results of the study of meat productivity, as well as the results of intensive growing and intensive fattening of Angus bulls, which have high genetic potential among meat breeds, when kept in various ways in the conditions of the Republic of Karakalpakstan. Including a comparative study and analysis of the formation of meat productivity of bulls kept in buildings, individually tethered with bulls kept in groups and in buildings with walking areas, the advantage of the latter method in terms of efficiency is confirmed.*

Keywords: *beef cattle breeding, breed, Angus, growth and development, age periods, intensive cultivation, intensive fattening, meat productivity, slaughter yield, slaughter weight, pulp, fat, bone, offal.*

Кириш. Ҳозирги вақтда юқори маҳсулдорлик кўрсаткичлари билан дунёга машҳур бўлган ангус зотидан келиб чиққан буқаларнинг генетик салоҳиятидан имкон кадар самарали фойдаланиш замонавий талабдир. Шу билан бирга, Республикамизга турли зотларга мансуб қорамоллар келтирилаётган бўлса-да, ушбу зотга мансуб молларнинг Қорақалпоғистоннинг ўзига хос табиий-иқлим шароитида турли парваришлаш усулларида ўсиш ва ривожланиши, шунингдек, гўшт маҳсулдорлик кўрсаткичлари етарли даражада ўрганилмаган. Бу эса, ушбу зот буқаларни гўшт учун парваришлашда уларнинг ёш даврлари бўйича мақсадли ўсишини таъминлаш, гўшт маҳсулдорлигининг шаклланишини бошқариш, жадал ўстириш ва бўрдоқилашни оқилона ташкил этиш учун зарур бўлган самарали парваришлаш усулларини танлашда илмий асосларнинг етарли эмаслигини кўрсатади. Шу сабабли, Қорақалпоғистон шароитида турли сақлаш усулларида гўшт маҳсулдорлик кўрсаткичларининг ўзгаришини ўрганиш Республикамиз чорвачилик илми ва амалиёти учун долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқот усуллари ва материаллари. Тажрибалар Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги Ш.Бобожонов номли фермер хўжалигида амалга оширилди. Бунда 2021 йил январ-феврал ойларида туғилган, тирик вазни, физиологик ҳолати ва соғлиги яхши ва ўхшаш бўлган ангус зотли буқачалардан иккита гуруҳ ташкил қилинди: I гуруҳ (Назорат): Ёпиқ биноларда, якка ҳолда боғлаб сақланди. II гуруҳ (Тажриба): Очиқ майдончали биноларда, боғламасдан, гуруҳлаб сақланди.

Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги унинг шаклланиши давомида ва бўрдоқилаш якунида амалга оширилган ҳисоб-китоб ва баҳолашлар орқали

аникланди. Ҳайвонлар тирик пайтида уларнинг гўшт маҳсулдорлик кўрсаткичлари торозида тортиш, кўздан кечириш, пайпаслаб баҳолаш ва тана қисмларини ўлчаш усуллари ёрдамида аниқланди. Гўшт маҳсулдорлигининг асосий кўрсаткичлари сифатида тирик вазн, мутлақ ва ўртача кунлик ўсиш, семизлик даражаси, озуқани маҳсулот билан қоплаш каби кўрсаткичлар қўлланди.

Сўйишдан кейинги гўшт маҳсулдорлик кўрсаткичлари: сўйим олди вазни, сўйим массаси ва сўйим чиқими, нимта чиқими, иккиламчи маҳсулотлар чиқими, гўштнинг морфологик таркиби (лаҳм, ёғ, суяк ва пай-томирлар нисбати) ва органолептик сифати (таъм, ҳид, майинлик) аникланди. Тажрибадаги буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлигининг шаклланиши Д.Л. Левантин, Г.В. Епифанов, Д.А. Смирнов ва бошқалар (1977) ишлаб чиққан методика асосида, гўшт маҳсулотларининг морфологик ва кимиёвий таркиби И.А. Скоркина, З.А. Щербинина (2005) усулида ўрганилди. Назорат сўйишлар 12, 15 ва 18 ойлик ёш даврларида ҳар бир гуруҳдан 5 бошдан буқада амалга оширилди.

Назорат сўйиш натижалари таҳлили. Сўйиш натижаларига кўра, бўрдоқилаш даври якунига келтирилган тирик вазн кўрсаткичи тажриба гуруҳи буқаларида назорат гуруҳига нисбатан 12 ойлик ёшида 23,6 кг (6,5%), 15 ойлигида 25,5 кг (4,9%) ва 18 ойлигида 25,6 кг (5,1%) юқори бўлди. Шуға мос равишда сўйим олди вазни ҳам юқорилигини сақлади. Асосий фарқ сўйилгандан кейинги кўрсаткичларда намоён бўлди. Илиқ нимта вазни тажриба гуруҳида ҳар уч ёш даврида ҳам 8,7-10,6% га юқори бўлди. Демак, нафақат умумий ўсиш, балки тананинг гўштдор қисмларининг ўсишида ҳам тажриба гуруҳи устунликка эга бўлди.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, сўйим массаси, сўйим чиқими, лаҳм миқдори ва чиқими, шунингдек 100 кг тирик вазн ҳисобидаги лаҳм миқдори каби асосий кўрсаткичлар бўйича барча ёш даврларида тажриба гуруҳи буқалари (очиқ майдончали бинода гуруҳлаб сақланган) назорат гуруҳига (ёпиқ бинода боғлаб сақланган) нисбатан аник устунликка эга бўлди. Фақат ёғ чиқими бўйича назорат гуруҳи бир оз юқори кўрсаткичларга эришди, бу эса уларнинг ҳаракати чекланганлиги билан изохланиши мумкин.

3.2.1-жадвал

Тажрибадаги буқаларни назорат сўйиш натижалари (n=5, X±Sx)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи			Тажриба гуруҳи			Тажриба гуруҳи назорат гуруҳига нисбатан фарқи					
	Назорат сўйим ёши, ой						12 ойликда		15 ойликда		18 ойликда	
	12	15	18	12	15	18	кг	%	кг	%	кг	%
Бўрдоқилаш якунидаги тирик вазни, кг	362,2±4,9	439,8±6,1*	518,8±7,4*	385,8±5,6*	461,8±5,8	544,4±6,7	23,6	106,5	25,5	104,9	25,6	105,1
Сўйим олди вазни,кг	340,4±2,7	413,4±6,1	503,3±4,9	362,6±2,6	434,0±3,6	528,0±4,1	22,2	106,5	24,8	104,9	24,8	104,9
Илиқ нимталар вазни, кг	177,0±6,1	223,2±3,1	281,8±4,6	195,8±5,6	243,0±2,6	306,2±3,9	18,8	110,6	24,4	108,7	24,4	108,7
Гўшт чиқими, %	52,0	54,0	56,0	54,0	56,0	58,0	2,0		2,0		2,0	
Ички ёғ, кг	5,6±0,03	7,5±0,15**	10,1±0,06	5,4±0,06**	7,2±0,16	9,8±0,06	-0,2	96,8	-0,3	96,6	-0,3	96,6
Ички ёғ чиқими, %	1,66	1,84	2,02	1,51	1,68	1,86	-0,2		-0,2		-0,2	
Сўйим массаси, кг	182,7±2,6	230,8±6,5	291,9±4,2	201,3±2,6	250,3±4,1	316,0±5,6	18,6	110,2	24,1	108,3	24,1	108,3
Сўйим чиқими, %	53,7	55,8	58,0	55,5	57,7	59,9	1,8		1,8		1,8	
Совиган нимталар вазни, кг	174,6±2,6	222,6±6,1	277,9±4,6	193,1±2,6	242,3±5,1	302,0±2,1	18,5	110,6	24,1	108,7	24,1	108,7
Лаҳм миқдори, кг	136,9±2,2	178,3±4,6	224,8±5,4	152,5±5,4	201,1±2,4	256,7±3,4	15,7	111,5	31,9	114,2	31,9	114,2

Лаҳм чиқими, %	74,9	77,2	77,0	75,8	80,4	81,2	0,9		4,2		4,2	
Суяклар вазни, кг	31,7±0,2	34,6±2,6	43,7±0,8	34,2±2,6	35,0±3,6	47,4±4,1	2,4	107,7	3,6	108,3	3,6	108,3
Суяклар чиқими, %	17,4	15,0	15,0	17,0	14,0	15,0	-0,4		0,0		0,0	
Пай-томир вазни, кг	8,2±0,3	10,3±1,6	13,1±0,6	9,0±0,6	11,2±2,1	14,2±0,6	0,8	110,2	1,1	108,3	1,1	108,3
Пай-томир чиқими, %	4,5	4,5	4,5	4,5	4,5	4,5	0,0		0,0		0,0	
100 кг тирик вазн ҳисобига лаҳм, кг	37,7±0,6	40,5±0,70	43,3±0,56	39,5±0,6	43,5±0,7	47,1±0,8	1,8	104,6	3,8	108,8	3,8	109,0
Гўштдорлик коэфициенти	3,42	3,96	3,95	3,53	4,34	4,17	0,1	103,0	0,2	105,5	0,2	105,5

3.2.2.1 -жадвал

Тажриба ҳайвонлари гўштини органолептик баҳолаш натижалари

Органолептик кўрсаткичлар	Ёш даврлари, ой ҳисобида					
	12		15		18	
	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриба
Қайнатилган гўшт						
Ташқи кўриниши	4,0	4,4	4,2	4,4	4,0	4,5
Ҳиди (аромат)	4,2	4,2	4,3	4,4	4,4	4,7
Таъми	4,1	4,3	4,3	4,5	4,6	4,8
Майинлилиги	4,2	4,3	4,3	4,4	4,3	4,4
Ширалилиги	4,2	4,5	4,4	4,6	4,6	4,9
Ўртача балл баҳоси	4,1	4,3	4,3	4,5	4,5	4,6
Қовурилган гўшт						
Ташқи кўриниши	4,2	4,3	4,4	4,5	4,4	4,7
Ҳиди (аромат)	4,2	4,4	4,4	4,5	4,5	4,6
Таъми	4,3	4,5	4,4	4,5	4,6	4,6
Майинлилиги	4,0	4,1	4,2	4,2	4,4	4,6
Ширалилиги	3,9	4,2	4,3	4,6	4,5	4,8
Ўртача балл баҳоси	4,1	4,3	4,3	4,5	4,5	4,7
Шўрва (бульон)						
Ташқи кўриниши	3,8	4,1	4,1	4,3	4,2	4,5
Ҳиди (аромат)	4,2	4,3	4,4	4,4	4,4	4,6
Таъми	4,3	4,4	4,5	4,5	4,6	4,9
Ширалилиги	4,0	4,0	4,0	4,1	4,2	4,5
Ўртача балл баҳоси	4,1	4,2	4,2	4,3	4,4	4,6

Органолептик баҳолаш натижалари. Гўшт маҳсулотининг харидорлик қобилият ва иқтисодий самарадорлигини белгиловчи муҳим сифатларидан бири унинг таъм хусусиятларидир. Дегустация баҳолаш натижаларига кўра, барча ёш даврлари ва баҳоланган параметрлар (ташқи кўриниш, ҳид, таъм, майинлик, ширалилик) бўйича тажриба гуруҳи буқаларининг гўшти ва шўрваси юқорироқ баҳоларга эришди (Ўртача баҳо 4.2-4.7 балл). Назорат гуруҳи гўшти ҳам юқори сифатли (Ўртача баҳо 4.1-4.5 балл) бўлса-да, тажриба гуруҳининг гўшти майинлиги ва таъми жиҳатидан бир оз устун эканлиги қайд этилди

Хулосалар. Тадқиқот натижалари Қорақалпоғистон шароитида ангус зотли буқаларни жадал ўстириш ва бўрдоқилашда очиқ майдончали биноларда гуруҳлаб сақлаш усулининг ёпиқ бинода якка ҳолда боғлаб сақлаш усулига нисбатан аник ўзига хослигини исботлади.

Очиқ майдончали биноларда гуруҳлаб сақланган буқалар сўйим чиқими, лаҳм чиқими ва 100 кг тирик вазнга тўғри келувчи лаҳм миқдори бўйича юқори натижалар кўрсатди, бу эса парваришнинг иқтисодий самарадорлигини оширади.

Гуруҳлаб ва ҳаракат озодалиги юқори бўлган шароитда парваришланган буқаларнинг гўштининг органолептик сифати (майинлик, таъм) янада юқори баҳоланди.

Қорақалпоғистоннинг иқлим шароитида ангус зотли буқаларни парваришлашда самарадорликни ошириш мақсадида очиқ майдончали биноларда гуруҳлаб сақлаш тизимини кенг жорий этиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Варакин, А.Т. Ресурсосберегающие инновационные технологии производства молока и говядины: Монография /А.Т.Варакин, В.В.Саломатин, Е.А.Харламова, А.С.Шперов, М.А.Степурина. − Волгоград: ФГБОУ ВПО Волгоградский ГАУ, 2015. - 204 с.

2. Гайко, А.А. Мясная продуктивность крупного рогатого скота и качество говядины/ А.А.Гайко. – Минск: Урожай, 1971. – 208 с.

3. Горлов, И.Ф. Инновационные подходы к производству «мраморной» говядины/ И.Ф.Горлов, А.А.Кайдулина, А.С.Коломейцева//Актуальные вопросы природопользования в аридной зоне Северо-Западного Прикаспия: мат. 1-й междунар. науч.-практ. конф. - Астрахань, 2012. - С. 204-206.

4. Методические рекомендации по изучению мясной продуктивности и качества мяса крупного рогатого скота / Д.Л. Левантин, Г.В. Епифанов, Д.А. Смирнов и др. – Дубровицы: ВИЖ, 1977. – 54 с.

5. Методические указания для проведения лабораторно-практических занятий по дисциплине «Технология первичной переработки продуктов животноводства» для студентов 5 курса Технологического института специальности 310700 «Зоотехния» / И.А.Скоркина, З.А.Щербинина (сост.). – Мичуринск: ФГОУ ВПО Мичуринский ГАУ, 2005. – 44 с.